O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 8 август, № 154 (4307) Чоршанба





**Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним!**

## ИСТИҚЛОЛГА ЭҲТИРОМ

***Ярим ёшдан ошаётган чақалоқларнинг энтикиб-энтикиб эмаклашини кузатаркансиз, ўз-ўзидан завқингиз қўзийди. Шунда, аскарлик пайтингиздаги эмаклатув машқида чекилган азоблар беихтиёр ёдга тушади-ю, бирдан пешонангиз тиришади. Кўринишдан бир хил, аммо буниси сурурли, униси уқубатли туюлувчи бу икки ҳолат ўртасидаги фарқ шуки, бирида кимдир мажбурлаб эмаклатади, иккинчисида эса, шахсий заруратдан келиб чиқиб, ўз инон-ихтиёрингиз билан ҳаракат қиласиз. Одамзотнинг эркин меҳнатга интилиш хусусияти гўдакларнинг эмаклашига бўлган ёниқ иштиёқига жуда-жуда ўхшаб кетади.***






Олтиариқликлардан, «Мустақиллик сизларга нима берди?» деб сўрасангиз, биринчи галда: «Истиқлол бизга ўз эркимиз билан ишлаш, ўзимиз истагандек тирикчилик қилиш имкониятини берди», дея жавоб қайтаришади. Зеро, махсус иссиқхоналарсиз ҳам эртапишар бодрингларни етиштириш, шираси тилни ёрадиган ҳусайни узумларни то Наврўзгача токдан янги узилгандек асрай билиш, томорқадан йилига тўрт мартагача ҳосил олишга қодирлиги билан ном қозонган олтиариқликлар пала-партиш буйруқбозликлардан, бармоғи бигизланганларнинг мағзи пуч йўл-йўриқларидан энг кўп безиганлар сирасига киришади.

Аҳолини жамоа хўжаликлари далаларидаги долзарб юмушлардан чалғитмоқда деган баҳона билан ўтган асрнинг 60-йилларида «каттакон ака»лар маҳалла ариқларига сув бердирмай, томорқалардаги экинларни, асосан бодрингларни атайлаб қуритиб юборишгача бориб етишганини ерлик кексалар яхши эслашади. Колхоздан тегадиган чойчақалар ҳамёнга юқмай, томорқадан келувчи даромадга кўз тикиб қолган бечора деҳқон ҳосилни бир амаллаб сақлаб қолган тақдирда ҳам, дарҳол иккинчи тўсиққа дуч келарди. Мева ёки сабзавотларини қўшни республикалар бозорида қимматроққа сотмоқчи бўлганларнинг номини «чайқовчи»га йўйишар, маҳсулотларини давлат тайёрлов идораларига сувтекин нархда топширишга мажбур қилишарди. Бу соҳада ҳам планни бажариш керак эди-да.

(Давоми 2-бетда).



*Кувайт Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилар қаторида, 1991 йилнинг декабрида тан олган. Ўзбекистон-Кувайт муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва мазмунан янада бойитишда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи муҳим омил бўлди. Ташриф асносида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди – қатор ҳужжатлар имзоланди, кўплаб келишувларга эришилди. Улар орасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти қатнови, шунингдек, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар бор.*

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Одил Муҳаммад Абдурасул ҲАСАН ҲАЁТ билан суҳбатлашди.*

**Одил Муҳаммад Абдурасул ҲАСАН ҲАЁТ:**

## ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

**— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболини қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатлар ҳавас қилса арзигулик даражада изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки икки томонлама алоқаларимиз ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат асосига қурилган. Муносабатлар шу руҳда янада ривожланиб бораверишига аминман.

Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун кенг имкониятлар очиб, икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади, алоқалардаги фаолликни оширди.

**Дунё нигоҳи**

Жорий йилнинг июнь ойида Кувайт Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида англашув меморандуми имзоланди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни биргаликда муҳокама этиб боришни кўзда тутувчи ушбу ҳужжат ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, биз Ўзбекистон раҳбарининг оқилона сиёсатини, мамлакатингиз билан ҳамкорликни жуда қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётгани ва икки томон учун ҳам манфаат келтираётгани бизга мамнуният бағишлайди.

**— Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси йўналишларини устувор, деб биласиз?**

— Кувайт Ўзбекистон билан барча соҳаларда алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Ўзаро муносабатларимиз ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар йўналишларда, айниқса, изчил мустаҳкамланмоқда. Бунда Президент Ислом Каримовнинг Кувайтга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган аҳдлашувлар муҳим ўрин тутади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар давлатлараро ва идоралараро муносабатларни, савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш учун кенг йўл очишга, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Икки томонлама муносабатларда парламентлараро алоқалар алоҳида ўрин тутади. 2002 ва 2005 йилларда Кувайт парламенти делегациялари Ўзбекистонда бўлди. Бу ташрифлар икки томонлама сиёсий ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш баробарида, қонун ижодкорлиги соҳасида кенг тажриба алмашишни йўлга қўйишга асос бўлди.

Ал-Кувайт шаҳрида 2006 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти ўтказилди. Ушбу воқеа ҳам халқларимизнинг маънавий яқинлигидан бир далолатдир.

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон билан анча йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келади. Араб мувофиқлаштириш гуруҳига аъзо мазкур жамғарма делегациясининг жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистонга ташрифи ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Нуфузли араб молиявий ташкилотлари мажлисининг Тошкентда ўтказилиши халқаро миқёсда Ўзбекистон обрў-эътибори ўсиб бораётганининг яна бир эътирофи эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Айни пайтда икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Кувайтда 2004 йилнинг май ойида Ўзбекистоннинг экспорт, сармоя ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган бизнес-семинар ва кўргазма ташкил қилингани иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга интилишларимиз муштарак эканлигидан далолат.

Ўзбекистоннинг Кувайтга экспорти сайёҳлик, коммуникация ва суғурта хизматларини ўз ичига олган. Мамлакатингизда кувайтлик сармоядорлар иштирокида муваффақиятли фаолият юритаётган қўшма корхоналардан бири "Anwarul Houda" бўлиб, у мебель ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган.

Юртингизда хорижий сармоядорлар бизнес юритиши учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар чет эллик, жумладан, кувайтлик ишбилармонларнинг қизиқишини тобора оширмоқда. Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистон ва Кувайт транспорт ва коммуникациялар, қишлоқ хўжалиги, энергетика, сув таъминоти каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ўзаро ҳаво транспорти алоқасини йўлга қўйишдан ҳам икки томон бирдек манфаатдор.

(Давоми 2-бетда).

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

*Ёшларга юрт эртаси, Ватаннинг истиқболи деб қараш истиқлол йилларида мамлакатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг самараси ўлароқ, эндиликда навқирон авлод орасидан юзлаб иқтидор эгалари етишиб чиқаяпти. Ўз қобилияти ва салоҳияти ила юрт равнақи йўлида ёниб яшаётган йигит-қизларни кўрганда ҳавасимиз келади. Зеро, истиқлол фарзандларига яратиб берилаётган шарт-шароит туфайли бугун барча жабҳада ёшлар фаоллигини кўраяпмиз.*

## ҲУНАР — ОШАТАР, МЕҲНАТ — ЯШНАТАР

***касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесларини ташкил этиш учун илк бор микрокредитлар ажратилди***



Юрагида бир олам орзу-умид жўш ураётган авлодга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз қонунларида, қабул қилинаётган фармон ва қарорларда ҳам кенг акс этмоқда. Хусусан, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида ёшларга кўмаклашиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида урғу берилган. Шундан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги касб-ҳунар коллежларида ўқувчи-ёшларга микрокредитлар ажратиш шарти билан тадбиркорлик ва ўз шахсий бизнесини ташкил этиш асосларини ўқитиш тизимини яратиш белгиланган эди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази 2007 йил 12 февралда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорлик битимини имзолади. Ушбу битимга мувофиқ, "Микрокредитбанк" томонидан тадбиркорлик ва бизнес билан шуғулланишни истаган касб-ҳунар коллежларининг 60 мингдан ортиқ битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 50 бароборидан 200 бароборигача бўлган миқдорда мақсадли имтиёзли микрокредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Жойларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари билан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг **75** та филиали ва **214** та минибанклари ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчи курс ўқувчилари ўртасида тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар ва кўрсатиладиган микролизинг хизматлари масаласида амалий семинарлар ташкил этилди.

Натижада "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкига қисқа муддат ичида касб-ҳунар коллежларининг **1200** битирувчиларидан кредит олиш тўғрисида аризалар қабул қилиниб, **илк бор 360** битирувчининг бизнес-режалари маъқулланди ва уларга **450 млн.** сўмдан ортиқ миқдоридаги кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, Сурхондарё вилояти касб-ҳунар коллежларининг **118** битирувчиси (100 млн. сўм), Наманган вилоятидан **58** битирувчи (37 млн. сўм), Тошкент вилоятидан **31** битирувчи (113 млн. сўм), Қорақалпоғистон Республикасидан **16** битирувчи (54 млн. сўм) дастлабки микрокредит соҳиблари бўлдилар. Масалан, Андижон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан Диёра Мусаева "Микрокредит" банкидан **2** млн. сўм кредит олиб, Андижон шаҳрида "Гўзаллик салони"ни очди. Тошкент молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси

(Давоми 2-бетда).

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

***Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши жамиятимизнинг ажралмас бўлаги – оилаларнинг фаровонлиги йўлида ташланган муҳим қадам бўлди. Зеро, оилага эътибор ва ғамхўрликнинг маънолари кўп. Чунки қай бир давлатда оила тинч-осойишта экан, унинг эли тотув, фарзандлари тўкин яшайди.***

**Фармон ва ижро**



*Хўш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур Фармонда белгиланган вазифалар қандай бажарилмоқда? Ўтган вақт ичида бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримизнинг республика Марказий банки Кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳамда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Аҳмадхон МАМАТОВ билан қилган суҳбати ана шу саволлар доирасида бўлди.*

— Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мазмуни теран, қамрови эса кенг, — дея сўз бошлади А.Маматов. — Президентимизнинг мазкур Фармони ҳам оила, шунингдек, унинг келажагига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Ҳозирги кунда юртимизда жами оилалар сонининг қарийб 40 фоизини ёш оилалар ташкил қилишини эътиборга олсак, мазкур ҳужжат нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Жумладан, ушбу Фармон боис ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши ва меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, иккинчидан эса, уй-жой ҳамда маиший шароитини яхшилаб олиши учун янада кенгроқ имконият яратилади.

Эътибор беринг, ушбу ҳужжатга кўра, мамлакатимиздаги ёш оилаларга фақат шу йилнинг ўзида 50 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Бу минглаб ёш оилалар хонадонига фаровонлик ва файз-барака кириб боради, дегани!

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**2007 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг умумий сони**

**212,5 мингтани ташкил этди.**

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, экин майдонларини муносиб қўлларга топшириб ва шу орқали самарадорликни ошириш бўйича изчил олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш ишлари деярли якунига етди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 329 та ширкат хўжалиги ўрнида 25 мингтадан ортиқ фермер хўжалиги иш бошлади.

## ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҲОЗИРЧА ИККИНЧИ




***Сингапурда шахмат бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида давом этаётган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида учинчи, тўртинчи ва бешинчи тур учрашувлари ортда қолди.***

Мусобақада дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган ёш иқтидорли шахматчилар иштирок этмоқда. Аҳамиятлиси, олимпиадани ўзбекистонлик шахматчилар кўтаринки руҳда ўтказишмоқда. Вакилларимиз учинчи турда туркиялик тенгдошларини 3:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Тўртинчи ва бешинчи турда анча иқтидорли шахматчилар жамланган Ҳиндистон ва Австралиянинг биринчи жамоалари билан дуранг натижага эришдилар.

**Сўнгги соатда**

Бешинчи турдан сўнг Ҳиндистон терма жамоаси 15,5 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Ўзбекистонлик шахматчилар 14,0 очко жамғариб, иккинчи ўринда боришаяпти.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

